Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 26-fevral, seshanba № 24 (3217)

Ислоҳот

## Инсон манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоя

### касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонларидан биридир

***Юксак ҳуқуқий-сиёсий маданиятга асосланган демократик институтларнинг эркин фаолият юритиши фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Шу боис бугун юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинмоқда.***

***Буни касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Аввало, истиқлол йилларида соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганини айтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар ана шулар жумласидандир. Бундай кенг кўламли ҳуқуқий кафолат туфайли бугун касаба уюшмалари ишчи-ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаати ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилиги тўла бажарилишига эришиш каби вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашиб, халқимиз ишончини қозониш йўлида барча саъй-ҳаракатларни ишга солаётир.

Айниқса, юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, касаба уюшмалари кейинги 2 йил давомида тизимни такомиллаштириш натижасида муайян ютуқларга эришди. Хусусан, локал ҳужжат ҳисобланмиш жамоа шартномалари ва келишувларининг мазмун-моҳияти бойитилиб, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, меҳнат жамоаларида уларга яратилаётган имтиёз, қулайликлар кўламини кенгайтиришга қаратилган.

Узоққа бормайлик. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида рўёбга чиқарилган ишлар мисолида бу ҳақда етарли тасаввурга эга бўлиш мумкин. Масалан, касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали ўтган йил давомида 1900 га яқин, ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали эса 2,5 мингдан зиёд фуқарога бепул хизмат кўрсатилди. Жамоа шартномаси ва келишувлари орқали ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар вакилларининг, янги оила қурган ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида 39 миллиард сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Меҳнат муҳофазаси ҳам доимий эътиборда турган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада тегишли вазирлик ва идоралар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан 28 та қоида, шу жумладан, махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш нормаси лойиҳалари ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ўрнатилган ҳамкорликка кўра эса ходимларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилди. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти билан бирга тайёрланган «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ҳам амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

***(Давоми 2-саҳифада).***

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати



## ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Андижон қишлоқ хўжалиги институтида мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги тизимлари учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда.**

— Институтимизнинг агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, иқтисодиёт ва бошқарув факултетларида 2700 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда, — дейди Андижон қишлоқ хўжалиги институти ректори, биология фанлари доктори Ботиржон Сулаймонов. — Кейинги йилларда ўқув даргоҳимизнинг моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Дарс машғулотлари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган аудитория ва лабораторияларда бугунги кун талаблари даражасида олиб борилмоқда.

Институт олимлари томонидан ишлаб чиқилаётган инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмалар, яратилаётган илғор технологиялар, рационализаторлик таклифлари салмоғи ортиб бораётир.

2011-2012 йилларда инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар бўйича ўтказилган турли кўргазма-ярмаркаларда институт олимлари ўттизга яқин таклифлар билан фаол иштирок этди. Жумладан, «Олтинкўзни кўпайтириш ускунаси» Республика V инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Қишлоқ хўжалик соҳасидаги энг яхши инновацион лойиҳа» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

— Кўплаб корхона ва муассасалар билан инновацион корпоратив ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланган, — дейди институт илмий ва амалий тадқиқотлар маркази бошлиғи Латифжон Тиркашев. — Ҳамкорлик доирасидаги тажриба ва синовлар ўқув илмий-ишлаб чиқариш хўжалигимизда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий-тадқиқот институти вилоят филиаллари далаларида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мазкур олий ўқув юрти Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Уларнинг 24 тасида кафедралар филиаллари ташкил этилган. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад коллежларда таълим самарадорлиги, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг тажриба ва малакаларини юксалтиришга кўмаклашишдир.

Институтда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, яъни хориждаги олий ўқув юртлари, илмий марказлар билан алоқаларни кучайтириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили 30 нафар талаба Германия ва Россиядаги фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиб келди. Халқаро лойиҳаларда фаол иштирок этиш, илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ўнга яқин профессор-ўқитувчилар Венгрия, Италия, Эстония, Германия каби мамлакатларда малака оширди.

Институт қошида фаолият олиб бораётган «Биосервис» илмий-ишлаб чиқариш марказида ўсимликларни ҳашаротлардан ҳимоя қилиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун Германиянинг GTZ ташкилоти билан ҳамкорликда 11 минг АҚШ доллари қийматидаги лаборатория қурилиб, махсус ускуналар билан жиҳозланди. Натижада, бу ерда оққанот ҳашаротига қарши махсус восита ишлаб чиқариш ва уни сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига етказиб бериш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида таълим сифати ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар салмоқли натижалар бераётир. Мазкур даргоҳни тамомлаган ёшлар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Суратда: «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқарув» кафедраси мудири Баҳодиржон Носиров талабалар Жўрабек Назаров, Жавоҳир Нажимов, Абдураҳим Қодиралиев билан.***

**Хурсандбек АРАББОЕВ**
**(ЎзА) олган сурат**

Янгиликлар оқимидан

**АНДИЖОН**

***Қўрғонтепа туманида фаолият юритаётган «Ал-Маъруф Жавлонбек файз» хусусий корхонасига 30 та замонавий тикув машиналари ўрнатилиб, маҳалла аёлларидан 20 нафари ишга жойлашди.***

### МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Ҳозир бу ерда трикотаж газламалардан болалар ва аёлларбоп кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**САМАРҚАНД**

***Фермер — қишлоқ мулкдори. Бугунги кунда у нафақат деҳқончиликдан, балки фаолият қирраларини кенгайтиршдан ҳам манфаат кўрмоқда.***

### ТАШАББУС

Нарпай туманидаги «Салим бобо» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Рустамов 63 гектар майдондан келаётган даромадни оқилона сарфлашга интиляпти. Тадбиркор фермер ташаббуси билан ҳудудда сервис ва маиший хизмат мажмуаси қурилиши поёнига етказилаётир. Йигирма иш ўрни яратилиши кўзда тутилган корхонага Хитой технологиясига асосланган асбоб-анжомлар келтириб ўрнатилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**НАВОИЙ**

***Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида «Қизлар давраси» ташкил этилди.***

### ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

Дўппи тикиш ва безакларни ўрнатиш, дастурхон тузаш, чой узатиш одоби, эркин мавзудаги синовларда 8 нафар иштирокчи орасидан Севара Ўроқова ғолибликни қўлга киритди.

— Муассасамизда «Балли, қизлар», «Балли, йигитлар», «Қувноқлар ва зукколар», «Ўн бармоғи ўн ҳунар», «Китоб — менинг дўстимсан» сингари тадбирларни мунтазам ўтказиб борамиз, — дейди мактаб директори Гулжаҳон Қаршиева. — Бу ўқувчиларимизни изланишга чорлаб, истеъдодларининг янги қирралари кашф этилишига йўл очади.

Тадбир сўнггида ғолиб ва иштирокчилар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нилуфар АЛОВУДДИНОВА,**
**Зарафшон шаҳри**

Бандлик дастури — амалда

## ФАРОВОНЛИККА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Жиззах вилоятида 2012 йилда 44 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Иш жойи билан таъминланганларнинг 21,2 минги хотин-қизлардир. Бандлик дастури доирасида Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Янгиобод, Фориш сингари тоғолди ва чекка туманларда, айниқса, хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ аёлларига «Микрокредитбанк» томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 3,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредит йўналтирилди.

...Бахмаллик Дилором Бекбўтаева тўқиган дастлабки декоратив гиламни хорижлик мутахассислар юқори баҳолашди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси чекка қишлоқларда касаначилик асосида ипак, пахта ва жундан гилам тўқиш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бахмал, Жиззах туманларида Дилором сингари гиламдўз қизлардан юз нафарига касб ўргатилди. Эндиликда улар Франциядан келтирилган дастгоҳларда бемалол сержило гиламларни тўқишаяпти...

Шу ўринда вилоятнинг ўтган йилги иқтисодий кўрсаткичларига бир қур назар ташлаймиз. Вилоятда аввалги йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 108, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 111,6 фоизга ўсди. Корхоналар томонидан 616,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти, 292,9 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Эришилаётган муваффақиятларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари фаоллари ва ҳар бир аъзонинг маълум даражада ҳиссаси борлиги эътиборга лойиқ.

Касаба уюшма органлари томонидан юз бераётган жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш борасидаги ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, унинг шаҳар, туманлардаги меҳнат ва бандликка кўмаклашиш марказлари билан касаба уюшма органлари ўртасида меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича 2012 йил учун қўшма тадбирлар режаси тўлиғича амалга оширилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасидаги ҳудудий (минтақавий) келишувга меҳнат бозоридаги жараённи самарали тартибга солиб туриш, аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳудудий дастурларни шакллантиришда касаба уюшмалари таклифларини имкон қадар инобатга олиш, корхоналар банкротлиги ва тугатилишининг олдини олиш каби масалалар киритилгани айни муддао бўлди.

Бирлашма, тармоқлар ва туман касаба уюшма кенгашларида бандлик масалаларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, янги иш ўринларини барпо этиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича ҳокимликларга таклифлар киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Дарвоқе, янги иш ўринларини яратиш дастурлари прогноз кўрсаткичлари ижросининг мониторингида вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаяпти.

* * *

Шаҳар ва туманларда янги иш ўринлари яратилишини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиялар таркибига Агросаноат мажмуи, Таълим, фан ва маданият ходимлари каби тармоқ касаба уюшмалари киритилган бўлиб, масала ечими бўйича фаол иш олиб борилаяпти.

Барча касаба уюшма органлари томонидан жойлардаги мавжуд бўш иш ўринларини таҳлил қилиш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаларини ҳудудлар миқёсида ташкил этиш, касаначиликни ривожлантиришга доир тадбирларга кўмаклашиш билан бирга, оммавий равишда ишдан озод этилган ходимларга моддий мадад берилиши ҳам қатъий назоратга олинган.

Вилоятда яратилган янги иш ўринларининг 15 мингдан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Биргина Зафаробод тумани мисолида қарайдиган бўлсак, ўтган йили 1562 та янги иш ўрни яратилиб, шундан кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳисобига 431 киши бандлик мақомига эга бўлди. Якка тартибдаги тадбиркорлик йўналишида эса 206 та, касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш асносида 392 та, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш туфайли 383 та янги иш ўрни барпо қилинди.

— Туманимиз маркази — Зафаробод шаҳарчасининг Мустақиллик кўчаси бўйлаб аҳолига хизмат кўрсатиш объектларидан 12 тасининг бирйўла ишга туширилганини аҳоли қувонч билан кутиб олди, — дейди шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Норбой Очилов. — Бунда хусусий тадбиркорлар С. Холматов, Н. Тўймуродова, А.Эшқувватов, У.Михлибоева кабилар ўз маблағи ҳисобидан янги иш ўринлари яратилишига катта ҳисса қўшишди. Бунёд этилган объектлар кўчамизга файз бағишлаб турибди. Яна бир тадбиркор Даврон Примов қолипли нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сокин тун» хусусий корхонаси ташкил этиб, беш кишини иш билан таъминлади.

Сўнгги бир ярим йилда вилоятда касаба уюшмалари маблағидан қирқдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес субъектларини таъсис этиш ҳисобига 35 та, шахсий ёрдамчи хўжаликларда кам таъминланган оилаларга бепул қорамол олиб бериш эвазига 7 та янги иш ўрни яратилди.

Касаначиликни ривожлантиришга кўмаклашиш касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлиб, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига ўн мингдан зиёд, шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномаси асосида касаначилик иш ўринларини ташкил этиш орқали 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, уларга нисбатан жамоа шартномалари татбиқ этилган. Касаначилар асосан тикувчилик, новвойчилик, дурадгорлик, зардўзлик, қандолатчилик, рассомчилик, чорвачилик, паррандачилик, гиламдўзлик, пойабзал устачилиги ишларига жалб қилинган.

Бундан ташқари, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Масалан, Арнасой иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини ўтган ўқув йилида 265 нафар ўқувчи 14 йўналиш бўйича тамомлаб, уч томонлама шартнома асосида ишга йўлланди. Бошланғич касаба уюшмаси ва маъмурият ташаббуси билан коллеж битирувчилари — Дилноза Сафарова, Матлуба Мардонова, Малика Мухторова, Зуҳра Омоноваларга туман ҳокими қарори билан 0,35 гектардан ер майдони ажратилиб, деҳқон хўжалигини юритиш имкони яратиб берилди.

* * *

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера олмаган корхоналарда бўшаб қолаётган ходимларга тегишли иш ҳақини ундириб бериш, Меҳнат кодексининг 67-моддасида кўзда тутилган ходимга моддий мадад кўрсатилиши, уларнинг имкон қадар ишга жойлаштирилиши ҳам касаба уюшмалари назоратида.

Касаба уюшмалари томонидан ўтган йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан 158 та хўжалик юритувчи субъектларда яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлиги ўрганилди ва зарур кўрсатмалар берилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2013-yil 26-fevral № 24 (3217)

# Инсон манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоя

## касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонларидан биридир

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).**

Ходимларнинг иш шароитларини янада яхшилаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини яратиш борасидаги ишлар ўтган йили изчил давом эттирилди. Энг муҳими, касаба уюшмаларининг асосий эътибори ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган жароҳатланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилиб, бу борада тизимли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-ходимлар учун дам олиш ва махсус кийим алмаштириш хоналарини ташкил этиш, зарур ҳолларда махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар янада кенгайтирилди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига олиб келди.

Эндиликда мазкур йўналишдаги вазифаларни янада такомиллаштирган ҳолда иш жойларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш йўналишида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ижтимоий ҳамкорликда корхона ва ташкилотларда «яшил» иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, ходимларнинг экологик барқарорликни таъминлаш йўналишидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида туркум семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш режалаштирилган. Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда иш жойларини шаҳодатлаш йўналишидаги ишлар ҳам амалга оширилади.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш касаба уюшмалари фаолиятида етакчи йўналишлардан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, йил мобайнида Федерация тизимидаги санаторийларда жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 25 минг нафарга яқин ишчи-ходим имтиёзли асосда саломатлигини мустаҳкамлади, кўп болали ва кам таъминланган оилалардан 502 нафар аёл бепул даволанди. Айни чоғда 110 та ёш оиланинг дам олиши ҳамда соғломлаштирилиши учун 219 та, 113 та ёш оила учун 225 та имтиёзли йўлланма берилди, 3250 нафар она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаб, оиласи бағрига қайтди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ушбу йўналишдаги барча имкониятларни ишга солиш орқали давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини бундан-да юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти. Гап шундаки, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларидан унумли фойдаланиб, ички туризм билан бир қаторда, тиббий туризм ҳам кенгайтирилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши каби тарихий шаҳарларимиздаги кўҳна обидалар, кейинги йилларда барпо этилган диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилаётир. Дам олувчилар, хусусан, хорижликларни санаторийларга кенг жалб этиш учун эса ушбу масканлардаги сервис хизматлари сифати ва самарадорлиги оширилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланаяпти. Айни чоғда улар жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, янги даволаш усуллари амалиётга жорий қилинаётгани ҳам эътиборлидир.

Шунингдек, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳрида «Нодир-Самарқанд» меҳмонхонаси очилди. Жорий йилда эса Хива шаҳрида янги меҳмонхона қурилиши режалаштирилган.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори касаба уюшмалари олдида турган масъулиятни янада оширди. Зеро, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш фаолиятимизнинг энг асосий йўналишидир. Шу боис жорий йил бошиданоқ корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги ишларимиз жадаллаштирилди. Яъни уларда аъзолик бадалларининг аввалгидек 50 фоизини эмас, балки 60 фоизини, ижтимоий объектлари мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич ташкилотларида эса 70 фоизини қолдириш амалиёти йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракатлар боис эндиликда ишчи-хизматчилар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда имтиёзли йўлланма асосида дам олиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, йўлланма учун тўланадиган тўлов миқдори камайтирилди. Албатта, бундай омиллар имтиёзли равишда соғломлаштириладиган ходимлар кўпайиши ва ишчи-ходимлар меҳнатининг янада самарали бўлишига олиб келади.

Янгиликлардан яна бири шуки, эндиликда касаба уюшма бюджети ҳисобидан ажратиладиган имтиёзли йўлланмалардан ходимларнинг яқин қариндошлари, яъни ота ёки онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари ҳам фойдаланиши мумкин.

Умуман олганда, саъй-ҳаракатларимиз халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш орқали Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга қаратилган. Зеро, бу барчамизнинг зиммамиздаги шарафли ва масъулиятли вазифадир.

**Танзила НАРБАЕВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси**

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 16 феврал сонидан олинди).*

---

### Хотин-қизлар комиссияларида

***Хотин-қизларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя ва тиббий хизмат билан таъминлаш, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш каби ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланган.***

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши ўқув-семинари ва йиғилиши менда катта таассурот қолдирди. Унда жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларга ҳар томонлама мадад бериш, иш жойларида етарли меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, эзгу фаолиятларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни бундан-да тараққий эттириш учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида атрофлича билим ва кўникмага эга бўлдик. Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини янада самарали олиб бориш юзасидан билдирилган таклифлар бу борадаги ишимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда ўзимизни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоби ва ҳудудлардан келган ҳамкасбларимизнинг тажрибаси фаолиятимизда ўз ифодасини топаётир.***

## ФИКРЛАР ИШ ЖАРАЁНИДА ЧАРХЛАНАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси шу қисқа вақтда муайян ишларни амалга оширди. Навбатдаги комиссия йиғилишида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг 2013 йил учун иш режасини белгилаб олдик. Эътиборли томони иш-режа ўқув-семинарда билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилди.

Комиссия аъзолари томонидан «Шимолгазтаъминот» УК корхонасида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, дам олишни ташкил қилиш ва соғломлаштириш масалалари, улар учун яратилган шароитлар ўрганиб чиқилди.

Корхонада қабул қилинган жамоа шартномаси орқали ўтган йилда 6 нафар ногирон фарзанди бор аёлга иш ҳақи сақланган ҳолда қисқартирилган иш куни белгиланган. 2 ёшгача бола парвариши билан банд бўлган 27 нафар аёлга 31 млн. 396 минг сўмлик нафақа берилган. Байрамлар муносабати билан 469 нафар ишловчи хотин-қизга 39 млн. 198 минг, корхонада ишлаб нафақага чиққан 112 нафар фахрий онахонга 4 млн. 200 минг сўмлик моддий ёрдам, 28 нафар кам таъминланган аёлга қимматбаҳо совғалар инъом этилган.

Жамоада аёллар меҳнати қадрланиб, уларнинг дам олиши учун етарли шароитлар яратилди. 439 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, «Соғлом авлод» жамғармаси томонидан дори-дармон билан таъминланди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 19 нафар аёлга санаторий-профилакторийларда дам олиб, саломатлигини тиклаши учун йўлланмалар ажратилди, жумладан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 3 аёл бепул йўлланма билан соғломлаштирилди.

Корхонанинг Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, Хўжайли, Қонликўл, Кегайли, Тахтакўпир туманлари газ филиалларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида «Аёлларнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида семинарлар, «Аёл борки олам мунаввар», «Сен ҳамиша муқаддассан, муқаддас аёл», «Жаннат оналар оёғи остидадир» мавзуларида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди.

Шунингдек, «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови» мавзуида уюштирилган тадбир ҳам оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта никоҳнинг олдини олиш, ёшларни оилага тайёрлаш масалаларига бағишланди. Уларда меҳнатда ва оиласида ҳурмат топган, фарзандларини яхши тарбиялаган пиру бадавлат отахону онахонлар, шифокорлар иштирок этгани айни муддао бўлди. «Она ва бола», «Фарзанд камоли — Ватан жамоли», «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида ташкил этилган кўрик-танлов ва спорт мусобақалари соғлом маънавий муҳитни яратиш ва оналарни спортга жалб этиш орқали оила аъзоларини соғломлаштиришга хизмат қилгани билан эътиборга сазовор.

Биз комиссия фаолиятини янада кучайтириш ва кенгайтириш орқали ишловчи хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий саводхонлик доирасини кенгайтириш, маданий-маърифий ишларга кенг жалб этишга эътибор қаратаяпмиз.

**Гулнора ИЛМУРАДОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси**

---

### Йиғилиш

## ИЖРО ВА МАСЪУЛИЯТ

***Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.Юлдашев олиб борди.***



Йиғилищда Марказий кенгаш раёсати аъзолари, тармоқ касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг масъул ташкилотчилари, Мудофаа вазирлигининг бирлашган касаба уюшма қўмиҭалари раислари иштирок этдилар.

Дастлаб «Мустаҳкам оила йили» дастурининг бажарилиши, «Касаба уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ташкилотчиси тўғрисида намунавий Низоми» ва «Марказий кенгашнинг масъул ташкилотчилари жорий этилган касаба уюшмалари тизимида фаолият юритувчи раислар кенгашлари тўғрисида намунавий Низоми» кўриб чиқилди. Шунингдек, «Обод турмуш йили» дастурини қабул қилиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг VIII йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ҳамда ҳужжатларни жойлардаги бошланғич ташкилотларга етказиш каби қатор масалалар муҳокама этилди.

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилоти тўғрисида намунавий Низом», аъзолик бадаллари миқдори ўзгарганлиги, статистик ва бошқа ҳисоботларни топширишга оид янгиликлар атрофлича ўрганилиб, уларни фаолиятга татбиқ этиш борасида бир тўхтамга келинди.

Муҳокамада «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев, Вазирлар Маҳкамаси девони бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси А.Умаров ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

---

### Ўқув

***Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати қарорига асосан жойларда қуйи ва ўрта бўғин касаба уюшмалари ташкилотлари фаоллари, бошланғич ташкилотлар раислари малакасини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва касаба уюшмаси тизимидаги ўзгаришларни кенг тарғиб қилиш бўйича минтақавий ўқувлар ташкил этилмоқда.***

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА ЭЪТИБОР



Навбатдаги шундай ўқув Оҳангарон туманидаги 52-умумтаълим мактабида ўтказилди. Касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчилар вакиллари иштирок этган тадбирда бирлашма кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Жаҳонгир Саидов кадрлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда тизимдаги ўзгаришлар жараёни билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси Абдували Норбоевнинг «Маънавий жасорат — буюк жасорат» мавзусидаги маърузаси тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Тадбирда касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари асосида ишни ташкил этиш, шунингдек, Федерация Кенгашининг VI-VII Мажлисларида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган ишлар, кадрлар билан ишлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, юридик хизмат ва молиявий тизимдаги ўзгаришлар жараёни хусусида сўз юритилди.

Ўқув қизғин мунозараларга бой тарзда ўтди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

### Маънавият бекати

## АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

***Санъатга ошуфталик ҳар биримизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Мусиқа, кино, рақс, ҳайкалтарошлик — каби барча санъат турлари турмуш тарзимизда, дунёқарашимиз шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Не саодатки, Урганч санъат коллежида таҳсил олган минглаб инсонлар бугун ўзларини ҳар жиҳатдан намоён қилишмоқда.***

Санъат коллежи яқинда 50 ёшини нишонлади. Шу муносабат билан уюштирилган тадбирга узоқ-яқиндан кўплаб меҳмонлар ташриф буюрди.

Таълим маскани ҳақида гап кетганда, 1962 йили Харратов номли мусиқа билим юртини ташкил қилишда фидойилик кўрсатган ва унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган бастакор Раҳмон Оллоберганов номини тилга олмасликнинг иложи йўқ. У кишининг анъаналарини Матниёз Юсупов, Абдушариф Отажонов каби устозлар давом эттиришди. Айнан уларнинг ва ўқув юртида сабоқ берган кўплаб беназир устозларнинг изланишлари туфайли ушбу даргоҳ нафақат истеъдодли хонанда-ю созанда, раққосаларни, балки кўплаб санъат билимдонларини эл хизматига тайёрлаб берди.

Кейинчалик чорак аср давомида билим юртига ажойиб устоз мураббий Қадамбой Мусаев раҳбарлик қилди. У киши билим юрти фаолиятининг юксалишида, бу орқали эса Хоразм мусиқаси ривожига баракали улуш қўшди.

Истиқлол шарофати билан билим юртининг ички ва ташқи қиёфаси тубдан ўзгарди. Эндиликда у фақат мусиқа эмас, санъат турларини мужассам қилган маскан, санъатнинг барча турлари бўйича мутахассислар тайёрловчи билим юрти сифатида танилди. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, Урганч санъат коллежи мақомига эга бўлди. Коллежнинг кейинги фаолияти бевосита санъат фидойиси, тажрибали педагог Дурдибой Каримов номи билан боғлиқ.

Таълим самарадорлигини ошириш, талабаларнинг мукаммал ижрони эгаллашларини таъминлаш мақсадида «Энг яхши ижрочи» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланди. Бундан ташқари, талабаларимиз ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, инглиз тили, тарих, математика фанлари бўйича шаҳар ва вилоят миқёсидаги олимпиадаларида фаол қатнашиб, ғолиблар сафидан жой олиб келишмоқда. Умуман, кейинги йиллар ичида 44 ўқувчи республика, 2 ўқувчи республикалараро ва 2 ўқувчи халқаро кўрик-танловлар ғолиб ва совриндорлари бўлдилар.

Коллежда дастлаб халқ чолғу асбоблари, анъанавий ижро бўлими, торли ва фортепяно, халқ рақслари бўлими, хор дирижёрлиги, ашулачилик мусиқа назарияси бўлими, вокал бўлимлари фаолият кўрсатган бўлса, кейинги йилларда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда актёрлик санъати, ранг-тасвир рассоми, овоз оператори ва режиссёрлиги каби бўлимлар ташкил қилинди.

Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз томонидан санъат фидойиларини, бўлажак мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Коллежнинг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ тажрибали устозлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Жамоа шартномаси орқали ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг иш шароитини янада яхшилаш чоралари кўрилаётир. Аъзоларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш мақсадида ҳар ҳафтада маънавият соатлари уюштириляпти. Танловларда фаол иштирок этаётган ёш истеъдодлар ҳам касаба уюшмалари томонидан тақдирланмоқда. Зеро, жамоадошларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий фаоллигини ошириш орқали аъзолик афзалликларини асослашга эришиш бош мақсадимиздир.

**Ражаббиби ОТАЕВА,**
**Урганч санъат коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

***Амалга оширилаётган ислоҳотлар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари қаторида бизни ҳам руҳлантириб юборди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳар бир аъзо ўзларига яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, фаолиятимизга баҳо беради. Меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш кўлами ҳамда сифати қанчалик яхшиланса, ишонч ҳам шунчалик ошиб боради.***

## БАҲО

### аъзолар томонидан берилади

Аъзолик бадалидан тушаётган маблағнинг 70 фоизи бошланғич ташкилотларда қолдирилиши ҳақидаги Федерация Кенгашининг қарори айнан шунинг учун ҳам юрагимиздаги гап бўлди.

Чунки бошланғич ташкилотимиз олдида аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш билан бир қаторда, уларни соғломлаштириш, маданий дам олдириш, оммавий спортни кенг оммалаштириш каби турли йўналишлардаги фаолиятни кенгайтириш давр тақозоси. Бундан ташқари, корхонамиз қошида ташкил этилган «Роҳат» профилакторийси, Болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи, Маданият уйи ва «Цементчи» ўйингоҳида меҳнаткашлар учун қулай шароит яратиш ҳамда уларнинг ҳолатини янада яхшилаш учун корхона харажатларига касаба уюшма ташкилоти ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Мақсуд ЖАББОРОВ,**
**«Кувасойцемент» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 26-fevral № 24 (3217)

Ягона оила

## ТОТУВЛИК

**Мамлакатимизда 136 та миллат, 16 та диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшамоқда.**



Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи Мастура Эминовалар оиласи ҳам шу жаннатмонанд юртда туғилиб ўсганлиги учун ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Мастура опа 7-давлат нотариал идорасида нотариус бўлиб ишлайди. Шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати сифатида тиниб-тинчимайди.

— Миллатим турк. Ўзбекистондек ватаним борлигидан фахрланаман, — дейди Мастура Эминова. — Аллоҳ берган бир ўғил ва икки қизим бор. Уччалови ҳам олий маълумотли мутахассис. Улар ҳозир Ватанимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшаётир.

Ҳа, қайси юртда миллатлараро муносабатлар мустаҳкам бўлса, шу юрт тинч ва қудратли бўлади.

**Баҳодир РАҲМОН**

Муайтай

***Самарқанд шаҳри муайтай бўйича «Буюк ипак йўли» халқаро турнирининг якуний босқичига мезбонлик қилади.***

## САМАРҚАНД — МЕЗБОН

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари маркази матбуот хизмати тарқатган маълумотларга кўра, турнир Халқаро муайтай уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари маркази ҳамда юртимиз Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Мусобақа жорий йилнинг 4-5 май кунлари «Мўъжиза» амфитеатрида ўтказилади. Қайд этиш ўринлики, муайтай бўйича Жаҳон ва Осиё чемпионатлари пойтахтимизда юқори даражада ташкил этилган ҳамда халқаро эътирофга сазовор бўлганди.



Футбол

***Юртимиз миллий терма жамоаси сардори ва Осиёнинг икки карра энг яхши ўйинчиси Сервер Жепаров фаолиятини яна Жанубий Кореяда давом эттирадиган бўлди.***

## «ЗАХИРАДА ЎТИРОЛМАЙМАН!»

Футболчимиз «Сёнгнам Илва Чунма» клуби машғулотларида фаол иштирок этмоқда. У жамоада «29» рақам остида тўп суради. Бу ҳақда клубнинг «Twitter»даги аккаунтида хабар тарқатилди.

Эслатиш ўринлики, Серверни аввалги жамоаси — «Ал-Шабоб» клуби бош мураббийи асосий таркибда майдонга туширмай қўйгандан кейин, у жамоани тарк этишга мажбур бўлди.

— Мураббий нега бундай қарорга келганини тушунмадим. Машғулотларда бор кучим билан ҳаракат қилдим. Бош мураббий эса майдонга аввал жалб қилинган ўйинчиларни асосий таркибда тушираверди. Терма жамоамизни олдинда муҳим ўйинлар кутиб турибди. Бундай вазиятда захира ўриндиғида ўтиролмайман. Менга ўйин амалиёти керак, — деди Жепаров.

Хабарингиз бор, сардоримиз икки йил аввал Жанубий Кореянинг яна бир жамоаси — «Сеул»да тўп суриб, мамлакат чемпионлигига эришганди.

Қадриятларимиз

***Она ер, Она Ватан, Она алласи... Инсон она бағрида ўсиб-улғаяди, ўзини ва дунёни англайди. Ўзликни англаш онани, ватанни, ўтмиш, ҳозир ва келажакни англашдек муқаддас туйғуларнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғланиб кетади.***

## ОНА АЛЛАСИДА ВАТАН ТАФТИ БОР

Алла — халқ қўшиғи. Бола бор жойда унинг айтилиши табиий. Кексаларимиз аллани «Аллоҳ» сўзидан олинган муқаддас қўшиқ деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, унда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Алла ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради, хотиржам қилади.

Алла сеҳрли куч, болада руҳий ором ҳиссини шакллантиради, уни юпатади, уйқуга элтади. Гўдакнинг маънавий юксалиши алладан бошланади, ахлоқий поклик бола руҳиятига она алласи орқали сингиб боради.

Алла онанинг дил рози, орзу ва армонларини ўзида жамлаган ижод намунаси. Алла бир маромда текис ва майин овозда куйланади, шу боисдан бола руҳиятида муҳим ўрин тутади. Алла эшитиб ўсган бола мард, ўктам, ор-номусли, ориятли, ҳамиятли, имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли бўлади.

Алла қайси тилда айтилмасин, умумий бир мазмунга, яъни боланинг порлоқ келажаги, яхши инсон бўлишини истаб куйланади. Аллани билмаслик, алла айта олмаслик аёл учун иснод саналади. Фолклоршунос олим Р.Мустафоқулов шўрчилик Турсунжамол момодан ёзиб олган икки мисрада алла аёл маънавиятининг гултожига айланган энг эзгу фазилат эканлиги таъкидланади:

***Аёл бўлиб айтолмасанг аллани,***
***Қора ерга қўйибсан-да тилингни.***

Ҳа, алла она қалбидаги бебаҳо хазина. Она учун алла айтиш табиат инъом этган олий бахт.

Сурхон воҳаси аёлларининг аллалари ниҳоятда сержило ва инсон руҳиятига ором берадиган, маънавий қанот бағишлайдиган ўзига хос ижод маҳсули эканлигини қуйидаги мисралардан билиш мумкин:

***Алла, болам, алла-ё,***
***Ширин қўзим, алла-ё, ,***
***Ширин болам аҳори, алла-ё,***
***Буғдой эксин баҳори, алла-ё,***
***Буғдойни чумчуқ есин, алла-ё,***
***Ҳақингга дуолар қилсин, алла-ё,***
***Паҳловоним, алла-ё,***
***Ширин жоним, алла-ё.***

Оналар аллага ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, ниятлари, дарду ҳасратларини ҳам қўшиб айтганлар:

***Дардларимни сенга айтай, дармоним бўл, болам, алла,***
***Армонларим сенга айтай, орзуйим бўл, болам, алла.***
***Қоронғуда топинчиғим, совқотганда ёпинчиғим,***
***Қариганда суянчиғим, овунчоғим, аллаё-алла.***

Алла ижтимоий қимматига кўра икки вазифани бажаради: биринчиси — унинг тарбиявий-эстетик моҳият касб этишида кўзга ташланади. Бу унинг эмоционал таъсирчанлигидан келиб чиқувчи хусусияти бўлиб, болани куй оғушида ҳаёт билан таништириш, оҳанглар воситасида ҳаёт маъносини англашига йўл очиш, шу зайлда эстетик дидини шакллантириш ва ўстириш мақсадига қаратилганлигидир. Буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино (980-1037) алланинг шу хусусиятини минг йиллар илгариёқ пайқаб, шундай ёзган эди:

«... боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири — болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади».

Аслида «алла» сўзининг луғавий маъноси ҳам овутиб, авайлаб болага оромбахш этишдан иборат. Алла одатда боланинг гўдаклигидан то уч ёшга тўлгунча айтилади.

Боланинг ёшига қараб турлича алла айтилган. Сурхон воҳасида XIX аср охири XX аср бошларида аллаларнинг ажойиб намуналари ижро этилган. Бола бир ёшга тўлгунча айтилган энг қадимий аллалардан бири (Ангор тумани Озод Бухоро маҳалласидаги момолардан ёзиб олинган) қуйидагича бўлган:

***Аллалар бўлсин адига, алла-ё, алла,***
***Сувлар опкесин кадига, алла-ё, алла,***
***Кадилар бови узилсин, алла-ё, алла,***
***Мунчоқлари тузилсин, алла-ё, алла,***
***Куёв бўлиб сузилсин, алла-ё, алла.***
***Аллалар айтайин, алла-ё, алла***
***Бахмал кўрпа ёпайин, алла-ё, алла.***

Бизга маълумки, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, бешикка биринчи марта боғланганда, яъни «Бешик тўйи»да, илк тиши ёриганда, биринчи марта мустақил ўтирганида, оёқ босганида, қизалоқ сочини илк бор ювиб-таралганда, ўғил бола сочи биринчи марта олинганда исириқ тутатиб, расм-русумлар ўтказилган. Ана шундай урф-одатлардан бири, бу чақалоқ илк бор ота-онаси ва қариндошларига таништирилганда қуйидагича алла айтилган:

***Оқ чойнакнинг шаммаси,***
***Айлансинда аммаси, алла-ё, алла,***
***Кўк чойнакнинг шаммаси,***
***Айлансинда момоси, алла-ё, алла,***
***Совлиқ қўйнинг сабоси,***
***Айлансинда бобоси, алла-ё, алла,***
***Жавкачакнинг лотаси,***
***Айлансинда отаси, алла-ё, алла,***
***Катта тутнинг тепаси,***
***Айланлансинда опаси, алла-ё, алла,***
***Жона ернинг тўласи,***
***Айлансинда бўласи, алла-ё, алла,***
***Қизил шудгорнинг лоласи,***
***Айлансинда холаси, алла-ё, алла.***

Ҳаттоки боланинг шаклланишида эл-улуснинг ҳам муҳим ўрни бордир. Шунинг учун чақалоқни уруғлар ҳам қўллаб-қувватлаб турсин, деб оналаримиз аллаларга уларни ҳам қўшиб куйлашган:

***Чакка-чакка чочингдан***
***Чор тарафлар айлансин, алла-ё, алла,***
***Елка-елка чочингдан***
***Етти уруғ айлансин, алла-ё, алла,***
***Тўба-тўба чочингдан***
***Тортувлилар айлансин, алла-ё, алла,***
***Қора-қора чочингдан***
***Қорақасмоқлар айлансин, алла-ё, алла.***
***Бешигингнинг остидан***
***Беш уруғлар айлансин, алла-ё, алла.***
***Қўлбовингнинг остидан***
***Қўнғирот эллар айлансин, алла-ё, алла.***

Хуллас, алла боланинг баркамол бўлиб улғайиши билан бирга ота-онага, қавм-қариндошга ва энг аввало, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси уйғонишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли асрлар оша бизгача етиб келган, момоларимиз, оналаримиз томонидан ижро этилаётган аллаларни тўплаб, уларни келажак авлодга етказиш ҳар биримиз учун муқаддас бурч ҳисобланиши даркор.

**Анвар ТУРСУНОВ,**
**Термиз тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

Автокросс

***Жиззахда жойлашган «Наврўзбулоқ» трассасида автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати якунига етди.***



## ГАЗНИ БОС!

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада барча вилоятлар ва пойтахт вакиллари ғолиблик учун баҳсга киришдилар.

«Багги» тоифасидаги уловлар пойгасида Ғайрат Одилов, Ҳасан Асқаров, Собир Алимов (Жиззах) кучли учликни ташкил этдилар. «Nexia» автомобиллари беллашувида Игор Газиянц (Тошкент), А8 тоифасидаги уловлар ўртасида эса Суҳбат Обиджонов (Самарқанд) маррага барчадан олдин етиб келдилар.

Умумжамоа ҳисобида жиззахликлар биринчи, Самарқанд ва Тошкент вакиллари мос равишда кейинги ўринларни банд этишди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳунар — ҳунардан унар

## ҚИЙҚИМДАН БУЮМ

***Талабалик чоғларимизда алламбало шим кийиш урф бўлди. Бир дўстим билан излаган матони Эски Жўвадаги дўконларнинг биридан топдик. Қайси тикувчига бормайлик, ўлчами кам, бундан шим чиқмайди, деб тинкамизни қуритди. Дўконда эса мато аллақачон тугаганди.***

Бир куни кимдир ветнамлик бир талабанинг тикувчилик санъати ҳақида оғиз кўпиртириб қолди. Қизиқсиниб, уни излаб топдик.

— Майли, тикиб бераман, — деди чевар.

Қувониб кетдик. Ҳафта ўтгач шимларимиз тайёр бўлди. Улар шу қадар нозик дид билан бежирим қилиб тикилгандики, қойил қолдик ва кўнглимиздан, во ажаб, ёшгина талаба бу ҳунарни қачон ўрганиб улгурдийкин, қабилида ўй ўтди. Буни қарангки, айни чоғда ўзимизда ҳам бундай иқтидорлар сероб. Мактаб партасиданоқ аксари қизларимиз тикувчи, ўсмирлар моҳир уста бўлиб етишаётир.

Самарқанд шаҳридаги саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Мунира Меликова таклифи билан ёш тикувчилар яратган ижодий ишларни кўздан кечирдик. Чеварлар қийқимлардан буюмлар яратишмоқда. Коллеж тикувчилик устахонасини чоғроққина корхонага қиёслаш мумкин. Ишлаб чиқариш устаси Гулшан Мамедова бошчилигида ёш чеварлар касб-маҳоратларини оширишар экан. Ҳар бир машғулотдан кўзланган мақсад бор. Ўтган йил бир миллион саккиз юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Бунда Самарқанд шаҳридаги «8-Март» очиқ акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик ўрнатилганлиги ҳам қўл келаётир.

Бир пайтлари анча машҳур бўлган фабрика аста-секин инқирозга юз тутганда роса ачингандик. Хайриятки, у модернизациялаш, қайта жиҳозлаш натижасида яна оёққа турди. 2010 йилда реконструкциялаш ишларининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш учун сармоядорлар томонидан 2 миллион АҚШ доллари сарфланди. Япониянинг «JUKI» фирмаси агрегатлари ўрнатилди. 2011 йилда тирикотаж буюмлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб, 450 нафар киши иш билан таъминланди. Айни пайтда 50 турдан зиёд маҳсулот тайёрланаётир. Эътиборли жиҳати шуки, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми мижозлари хорижликлардир.

— Соҳага йўналтирилган ўқувчиларимизнинг аксарияти шу корхонага ишга жойлашади, — дейди М.Меликова. — Талабалар ишлаб чиқариш амалиётида бу ердаги муҳит билан яқиндан таништириляпти. Қолаверса, коллежимиз устахонасида ҳам яхшигина шароит мавжуд бўлиб, «Устоз-шогирд» анъаналари корхона ва коллежга кенг имкониятлар эшигини очаётир.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
**«СИРДАРЁ-СЎХ» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ**
**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объектлар номи:

**«Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги «Жанубий» (1-навбат) хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=215,0 км.)».**

*Бошланғич нархи* — **1 606 478 429 сўм ҚҚС сиз.**
*Топшириш муддати* — **25 декабр 2013 й.**

**ЛОТ 8**

**ЛОТ 8.1. «Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги «ДП-3» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=44,747 км)».**

*Бошланғич нархи* — **215 816 641 сўм ҚҚС сиз.**
*Топшириш муддати* — **15 октябр 2013 й.**

**ЛОТ 8.2. «Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги «Сўх-Исфара» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=82,075 км.). (1-навбат).**

*Бошланғич нархи* — **584 716 136 сўм ҚҚС сиз.**
*Топшириш муддати* — **1 декабр 2013 й.**

Буюртмачи: Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй, тел.224-27-50, 224-27-75.

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35%.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 8-373-224-18-71.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй манзилида ўтказилади.*

**Хизматлар лицензияланган**

## Аукцион савдолари хабарномасига тузатиш!

«Ishonch» газетасининг 19.02.2013 йилдаги 21 (3214)-сони 3-саҳифада берилган аукцион савдолари хабарномасининг *(аукцион савдолари 2013 йил 19 март куни соат 11:00да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати)* манзилида ўтказилади) деган қисми **аукцион савдолари 2013 йил 2 апрел куни соат 11:00да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзилида ўтказилади** деб ўқилсин.

Шунингдек: хабарноманинг *(Закалат пулларининг киритилиши Аукцион савдолари бошланишидан бир соат олдин буюртманомаларни қабул қилиш Аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин яъни 2013 йил 18 март куни соат 16:00да тўхтатилади)* деган қисми **Закалат пулларининг киритилиши Аукцион савдолари бошланишидан бир соат олдин буюртманомаларни қабул қилиш Аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин яъни 2013 йил 1 апрел куни соат 16:00да тўхтатилади,** деб ўқилсин.

**«Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти.**

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: + 99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24

**Хизматлар лицензияланган**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 19. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 211 | 21501 nusxada bosildi | 1 3 4 5